OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI

BIZ HAQIMIZDA

ISHONCH GAZETASINING 2024-YIL 28-SENTYABRDAGI 119-SONIDA "MAXAM-CHIRCHIQ" AKSIYADORLIK JAMIYATIDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI SOHASIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLAR, ERISHILGAN NATIJALAR VA YOSHLARGA YARATILGAN IMKONIYATLAR HAQIDA MAQOLA CHOP ETILDI.

Ҳисобот

МАВСУМ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаментининг ёзги мавсум якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳудудий бошқармалар ҳамда тасарруфдаги оромгоҳлар раҳбарлари қатнашди.

Таъкидланганидек, жорий йилги соғломлаштириш давомида 1 413 та оромгоҳда қариб 375 минг нафар, шу жумладан, 1 223 та соғломлаштириш майдончасида 212 минг нафардан зиёд, 190 та стационар оромгоҳда 162 минг 462 нафар, Федерация тасарруфидаги 77 та стационар оромгоҳда 76 минг 278 нафар бола соғломлаштирилди. Ушбу жараёнда «Оилавий болалар уйлари» тарбияланувчилари, «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилганлар фарзандлари, «Ёшлар дафтари»да қайд этилган ёш авлод вакиллари ҳамда ногиронлиги бўлган фуқаролар, мухтасар айтганда, 11 минг 373 нафар бола касаба уюшмалари ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан хордиқ чиқарди, 3 минг нафар қорақалпоғистонлик ҳамда 1000 нафар хоразмлик бола бепул соғломлаштирилди.

Департамент томонидан маҳаллий ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда болаларнинг маънавияти ва интеллектини юксалтиришга қаратилган 12 кунлик намунавий дастур ишлаб чиқилди. Унда болаларнинг оромгоҳларда ўтказадиган вакти «кунбай» ва «соатбай» белгиланган бўлиб, ҳар бир кунни «Фестиваль», «Заковат» «Санъат ва истеъдод», «Ҳарбий ватанпарварлик», «Она табиатни асраш», «Моҳир қўллар», «Спорт», «Туризм», «Халқлар дўстлиги», «Дўстларга мактуб» каби турли маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, спорт ва интеллектуал ўйинлар ташкил этилиши белгиланди. Ўн бешга яқин вазирлик ва идоралар ўзларига тегишли қонунларга бириктирилиб, уларнинг вакиллари тизимидаги барча оромгоҳларда ўзларининг кўргазмали чиқишлари, махорат дарслари ва бошқа маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари билан фаол қатнашишди.

Масъул вазирликлар, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси, «Заковат интеллектуал клуби» ННТ вакиллари намунавий дастур доирасидаги тадбирларни юқори савияда ташкил этишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Шунингдек, йиғилишда мавсумдан ташқари давра оромгоҳ базасида дам олиш масканини ташкил этиш ёки бино-иншоотларни ижарага бериш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини олиб бориш, бинолар, жиҳозларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ сақланишини таъминлаш, оромгоҳга тегишли бўлган барча мол-мулклар бутлигини сақлаш каби кўрсатидаги қатор устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шаҳноза ЖЎРАЕВА,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш Департаменти маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Ишлар қалай, ёш етакчи?

ҲАМФИКРЛИКДА ГАП КЎП

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган «Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамиятида 1400 нафарга яқин 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Корхонада 44 та цех фаолият кўрсатади ва ҳар бирида ёшлар етакчиси бор. Жамият раисининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Рўзмат Байдуллаев кўп сонли ёшларга ишончли йўлбошчи ва ҳамфикр бўлиб келаётгани туфайли, кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхонанинг жамоа шартномасига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» банди киритилган бўлиб, касаба уюшмаси бизнес режасига кўра ёш оилаларга 5 млн. сўмгача миқдорда фоизсиз кредитлар ажратилади, «Жамиятнинг энг яхши ёш раҳбари», «Энг яхши ёш инноватор ихтирочи» каби номинацияларда танловлар эълон қилинади ҳамда ғолиблар бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. Фаоллиги билан ажралиб турган етакчининг сурати ҳудудлари «Ҳурмат хиёбони»га бир йил давомида илиб қўйилади, маошига бир йил БХМнинг бир баробари миқдоридаги устама ҳақ қўшиб берилади. Шунингдек, бириничи марта турмуш қураётган ҳар бир ишчи учун БХМнинг 10 баробари миқдорида бир марталик ёрдам пули, бола туғилиши муносабати билан эса, 5 баробари миқдорида моддий ёрдамлар ажратиш каби имтиёзлар белгиланган.

– Бизда, айниқса, меҳнат мухофазасига катта эътибор қаратилади, – дейди Рўзмат Байдуллаев. – Ҳар бир киши меҳнат хавфсизлигига амал қилиб ишлаши, уларга тушунчалар бериш ва махсус кийим-бош, сут маҳсулотлари билан таъминланиши қатъий назоратда.

Раис маслаҳатчиси маълумотларига кўра, ёшларнинг ишчанлик қайфиятини кўтариш, салоҳиятини ошириш мақсадида «Энг яхши ёш кимёвий таҳлил лаборанти», «Энг ёш электр чилангари», «Энг яхши ёш метролог», «Энг яхши ёш инноватор-ихтирочи» каби кўрик-танловлар ташкил қилинади.

Шунингдек, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишни кўзлаб, «Ёш китобхон», «Китобхон ходим», «Тез ва тўғри ёз», «Оммавий диктант», «Заковат» ҳамда турли мавзуларда тест викториналари ҳам ўтказилади. Энг яхши натижага эришганлар пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланади. Ҳар йили ўтказилаётган «Оммавий диктант» ва китобхонлик танловларида кўрсатилган тобора яхшиланиб бораётгани кувонарлидир.

Айни пайтда корхонада рус ва инглиз тиллари бўйича бепул ўқув курслари йўлга қўйилган. Ҳар бир соҳа бўйича ўқув соҳалари ташкил этилгани эса ёшларни касбга йўналтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Корхонада 42 мингта турли номдаги китоб фондига эга кутубхона мавжуд. Китобларнинг электрон вариантлари ҳар ойда битта тизимга жойланади ва шу тарзда мунтазам ишчиларга етказиб борилади.

Спортни ривожлантириш мақсадида ёшлар ўртасида мини-футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, армрестлинг, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ташкил этиб турилади. Яқинда Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги муносабати билан ўтказилган футбол, волейбол ҳамда шахмат мусобақаларида «Maxam-Chirchiq» акциядорлик жамияти ёшлари фахрли 1-ўринни эгаллашди ва ҳар бири вазирликнинг пул мукофотлари билан тақдирланди. «Инноватор аёл» кўрик-танловида эса, ёш ходимлар Ирода Тожидинова ўзининг инновацион лойиҳаси билан иштирок этиб, 2-ўринни банд этди. Карбамид цехи машинисти, армрестлинг спорт тури бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Азиз Тожиев ҳам ғалабаларга эришиб, корхона нуфузини янада оширишга ҳисса қўшмоқда. У сентябрь ойи охирларида Венгриянинг Будапешт шаҳрида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади. Спортчининг барча харажатлари корхона томонидан қоплаб берилади.

Ҳар чоракда корхона масъулларининг ёшлар билан учрашуви ўтказилади. Муаммолар, таклиф ва мулоҳазалар эшитилади.

Байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд оила ҳисобланган ёшларга озиқ-овқат тўпламлари тарқатилади. Жамоада 3 нафар 30 ёшгача бўлган ёлғиз ўзи фарзанд тарбиялаётган оналар бор ва уларга ҳар ойда БХМнинг икки баробари миқдорида моддий ёрдам ажратилади. Корхона таркибида тиббий-реабилитация маркази мавжуд бўлиб, унда 12 ой давомида ишчи-ходимлар саломатлигини тиклайдилар. Шу билан бир қаторда, жорий йилда корхонанинг «Октош» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ишчи-ходимларнинг мингдан ортиқ фарзандлари соғломлаштирилди.

Корхонада ички туризмга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, касаба уюшмаси томонидан Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна маҳзилларга саёҳатлар ташкил этилади. Ёшлик рамзи саналган – яшилликка ҳам эътибор катта. Хусусан, «Maxam-Chirchiq» АЖ ҳудудидаги 2 гектар майдонда «Ёшлар боғи» бунёд этилган. Бундан ташқари, ҳар йили «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида корхона ҳамда унга туташ ҳудудларда яшил белбоғлар барпо этилади.

Ҳолида ЭҒАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Давра суҳбати

БИЛИМЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ҳамкорлигида «Фаол хотин-қизларни эътироф қилиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир тоғлар қўйнида жойлашган хушманзара «Угом» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ишчи гуруҳи, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари ва фаоллари иштирок этишди.

Жойларда, жамоаларда соғлом муҳит ва соғлом рақобат яратилса, иш унумдорлиги ортади, ходимлар ўртасида илиқ ва дўстона муносабатлар шаклланади. Айниқса, хотин-қизларнинг кўтаринки кайфиятда иш юритиши, турли негатив ҳолатларга берилмаслиги ўта муҳимдир. Давра суҳбатида ана шундай масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Психолог Дилором Саъдуллаева олиб борган тренинг-машғулотларда ўз-ўзини психологик бошқариш усуллари, самарали меҳнат учун зарур шароитлар яратиш, шахсий кўникмаларни ошириш техникалари ўргатилди. Шунингдек, машғулотлар давомида иштирокчилар тушкун ҳолатлар ва ундан чиқиш усуллари ҳақида ҳам тегишли билимларга эга бўлишди.

Тадбир сўнгида олий тоифали сухандон, кино актриса Мавлуда Аҳмедова ўз чиқиши билан қатнашчилар дилини хушнуд этди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Фаолият

ЖАМОАДА БАРЧА ҚАДРДОН

Масъулиятли инсонлар ён-атрофга дахлдорлик ҳисси билан яшайдилар. Яқинларига, таниш-нотанишга яхшилик улашадилар. Жамият ривожига ҳисса қўшадилар.

Хонка тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси Комилжон Ражабов ана шундай инсонлардан бири. Бирлашмада ишлаётган ҳар бир ходим унга азиз. Жамоадошлар Комилжон аканинг фидойилиги туфайли касаба уюшмасини қадрдон ташкилот деб билади.

Эзгулик улашиш Комилжон аканинг умр мазмунига айланган. 1978 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган ёш шифокор Ўрганч шаҳар шифохонаси терапия бўлимида малака оширгач, 1979 йилда Хонка тумани катталар поликлиникасида врач терапевт бўлиб иш бошлади. Хушмуомалалиги, ўз касбига садоқати билан ёш ногирон тушди. У барча билан самимий муносабатда бўлар, беморлар шифо топиши учун астойдил ҳаракат қиларди. 1979-1990 йилларда Ал-Хоразмий номидаги қишлоқ қасалхонасида врач-терапевт, 1990-1991 йилларда «Ғалаба» қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимларида ишлади. 1991-1996 йилларда «Ғалаба» хўжалигида 100 ўринга мўлжаллаб қурилган янги шифохонада терапия ва неврология бўлимларига умумий рақбарлик қилди. 1999 йилдан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида врач пульмонолог, 2000-2014 йилларда Хонка тумани тиббиёт бирлашмаси терапия бўлимида терапевт бўлиб фаолият кўрсатди. 2004 йилда туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланди. Мана, йигирма йилдирки, ҳам шифокор, ҳам касабақўм сифатида яхшиликка ошуфта.

Касаба аъзоларининг меҳнати қадр топишини таъминлаш – касабақўмнинг асосий максадларидан бири.

– Касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатиш жараёнида ҳаётни бошқача рақурсдан кўришни ўргандим, – дейди Комилжон ака. – Илгаримдан фақат касалликка қарши қураниб, инсон соғлиғини муҳофаза қилишга интилган бўлсам, эндиликда ҳар бир ишловчи муносиб шароитда ишлаши, меҳнати қадр топиши керак, деган фикрдаман. Аслида ҳам бу саломатликни асрашнинг бир шарти. Тармоқ касаба уюшмаси тизимида тез-тез давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, касаба уюшмалари олдида турган вазифалар муҳокама қилиб борилади. Аъзолар манфаатдорлигини таъминлаш учун амалга оширилиши зарур бўлган ишлар таҳлил қилинади. Шу очиқ мулоқотлар самараси сифатида кейинги йилларда туманимизда касаба аъзолари тиббий кўрикдан ўтишда чиқимдор бўлмаяпти. Маблағ иш берувчи томонидан копланяпти. Иш ўринлари ўз муддатида шаходатланмоқда. Зарарли иш шароитида ишловчилар имтиёзлардан тўла фойдаланишлари таъминланяпти.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан уюштирилаётган маданий-маърифий тадбирлар ходимлар бўш вақтини мазмунли ташкиллаштиришга хизмат қилмоқда. Уларда фаол, ижтимоий ҳимоя мухтож касаба аъзолари моддий-маънавий рағбатлантирилмоқда. Спорт мусобақалари, «Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» акциялари ўтказилмоқда.

Ҳар йили 50 га яқин ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларини санаторий-курортларда соғломлаштириш чоралари қўрилмоқда, 40 дан зиёд ходимларнинг фарзандлари вилоятдаги сўлим оромгоҳларда мароқли хордиқ чиқармоқда. Ички тўғримизни ривожлантириш мақсадида Ўчан қалъа мажмуасига саёҳатлар уюштириш анъанага айланган.

Комилжон ака жонкуяр ҳамкасблари меҳнатини тарих зарварақларига муҳрлаш мақсадида Хонка тумани тиббиёт бирлашмаси тарихи, туманда замонавий медицинанинг шаклланиши, Иккинчи жаҳон уруши даврида эл соғлиғини асраш йўлидаги қаҳрамонлар, ўтган асрнинг иккинчи ярмида турли юқумли касалликларни барҳам қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, истиқлол йилларида тиббиётда амалга оширилган ислоҳотлар, коронавирус пандемиясига қарши курашишда тиббиёт ходимларининг қаҳрамонликларини таҳлил қилиб, уларни жамлаб китоб қилига келтирди. Эндиликда шу китобни нашрдан чиқариш тараддудида.

– Ҳар бир ходим меҳнатига яраша ҳақ олиши, муносиб шароитларда ишлаши ва дам олишини таъминлаш борасида доимий изланишдамиз. Бу масалаларда иш берувчи олдига доимий равишда вазифалар қўйиб борамиз. Касаба уюшма қўмитаси аъзолари билан муҳокама қиламиз. Муаммоли вазиятлар юзага келганда тезкор ҳал қилиш чораларини кўрамиз. Меҳнат мухофазасига эътиборни кучайтирганмиз. Тиббиёт ходимларини юқумли касалликлардан ҳимоялаш учун махсус кийим-бош билан тўла таъминланишига эришдик, – дейди Хонка тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Ражабов. – Мен учун муҳими, жамоамнинг аҳиллиги, оиламнинг тинчлиги.

Фидойилиги ва жонкуярлиги, зиммасидаги ҳар бир вазифани виждонан адо қилиши туфайли Комилжон ака барчага ўрнак. У касабақўм сифатида ўнлаб таниловларда голиб ва совриндор бўлган.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Жараён

МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

Пахтакорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилиниши, меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, иссиқ-совуғи, зарур ашёлар билан таъминлашдан овқатланишига қадар ҳар бир жараён ўта синчковликни тақозо этади. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ойбек Раҳмонов эрта тонгдан бугун улгуриши лозим бўлган мана шундай вазифаларни бир-бир ҳаёлидан ўтказади.

Иш куни Федерациянинг вилоят кенгаши раиси бошчилигидаги аппарат йиғилишидан бошланди. Навбатдаги топшириқлар масъул ташкилотчининг режаларини янада катъийлаштирди, зиммасига кечиктириб бўлмас вазифаларни юклади.

Йиғилишдан сўнг у тармоққа қарашли шахар, туман кенгашлари ва бирлашган қўмиталар раислари билан суҳбатлашиб, уларга керакли топшириқларни берди. Теримчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, отрядларни аъзоликка олишни яна бир марта эслатди. Берилган вазифалар ижросини суриштирди.

Кейин касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан бўлган карздорликни ундириш, янги ташкил этилган ходалат корхоналарини, агрокластер ва текстиль корхоналарини аъзоликка жалб қилиш ҳамда уларда жамоа шартномаларини тузиш бўйича ўрганишлар ўтказиш мақсадида ташкилотларга йўл олди. «Агрокластер Р-Тфех» Қорақўл МЧЖ рахбари Раҳматжон Ҳайдаров ҳамда Амир Темур қорақўлчилик кластери раҳбари Одил Шеров билан учрашди.

Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича миллий мониторинг гуруҳи вакиллари билан ҳамкорликда пахта далаларини айланиб, тушунтириш ишларини олиб борди, мавсумий ишчиларга касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари, мажбурий меҳнатга жалб қилинганда ходимлар қандай йўл тутиши кераклиги, 1092 киска рақамли колл-маркази фаолияти ҳақида батафсил тушунчалар берди. Миллий мониторинг гуруҳи вакиллари билан бирга Жондор туманидаги ҳолат билан танишди. Далаларга чиқиб, бугунги вазиятни ўрганди.

Кечки соат бешда Ойбек Раҳмонов кабинетига қайтди. Бу ерда уни бажарими лозим бўлган яна бир талай ишлар кутиб турарди. Хусусан, 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик кўриш бўйича масъулларга зарур топшириқлар бериш ва кириш.

Шундан сўнг Шофиркон пахта тозалаш заводи акциядорлик жамиятининг собиқ ишчиси Хайрулло Исмоиловдан келиб тушган мурожаат ва уни ўрганиш натижалари билан танишди. Мурожаатчи яшаш шароити, иқтисодий аҳволи оғир ҳолатда эканлигини баҳолириб, касаба уюшмасидан кўмак сўраган экан. Ўрганишлар натижаси унинг чиндан ҳам кўмакка мухтожлигидан далолат бериб турарди. Шу боис зудлик билан мавжуд муаммони ҳал этишга киришди. Бу билан тез орада яна бир инсонинг мушкули осонлашишини ўйлаб, ич-ичидан кувонди. Инсонларга яхшилик улашадиган ташкилот ходими эканидан фахр туйғусини ҳис этди...

Одамларнинг ризолик балкиб турган чехраси кўнгилини қанчалар кўтаришини Ойбек Раҳмонов яхши билади. У иш кунини шундай кўтаринки руҳда якунлади ва бугунги ўтган куни, қилган ишларидан қониқиш ҳосил қилиб, яхши кайфиятда уйига, оиласи бағрига қайтди...

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»